Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 12 декабрь • № 51 (1020)

*Инвестиция дастури амалда*

## ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МУАССАСА — АҲОЛИ ХИЗМАТИДА




**Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида соҳанинг ҳар бир йўналишига қаратилаётган эътибор боис, самарали натижаларга эришилмоқда. Айниқса, Инвестиция дастури бўйича тизимда амалга оширилган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудларидаги шифо масканларининг янгича қиёфа кашф этганлигини кўриб, хурсанд бўламиз. Шунингдек, тиббиёт муассасаларининг дастур асосида ноёб аппаратлар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.**

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, соҳанинг барча йўналишлари қатори онкология соҳасига қаратилган алоҳида эътибор туфайли, нафақат пойтахтимиз, балки вилоятларда онкология диспансерларининг жаҳон андозаларига мос равишда қурилаётганлиги халқимиз саломатлигига бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Маълумки, Республика онкология илмий маркази етакчи клиникалардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда у ердаги фаолиятлар, илмий изланишлар, халқаро ҳамкорликлар ўз натижасини бериб, онкологик касалликларнинг олдини олиш ва даволашда муваффақиятларга эришилмоқда.

2014 йилнинг 9 декабрь куни Сирдарё вилояти Онкология диспансерининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Сирдарё вилояти ҳокими Ойбек Ашурматов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар ўзининг ютуқли натижаларини бераётганлиги, шу жумладан, Сирдарё вилоятида ҳам кўплаб тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, халқимиз хизматига топширилаётган замонавий шифо масканларининг янги технологиялар билан жиҳозланаётганлиги хусусида тўхталди. Шу билан бирга, янгидан бунёд этилган замонавий онкология диспансерининг ташқи ва ички кўриниши ва беморлар учун яратилган барча шароит ва имкониятлар бугунги давр талабига жавоб беришини эътироф билан айтиб ўтди.

Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан мамлакатимизда онкология соҳасига қаратилаётган эътибор боис, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича кенг имкониятлар яратилаётганлигини таъкидлаб, вилоятларда замон талабига жавоб бера оладиган онкология диспансерлари бунёд этилиши инсонлар саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлар эканлигини алоҳида тилга олди.

Тадбир иштирокчилари диспансер бўлимлари ва уларда яратилган шароит ва имкониятлар билан танишиб чиқдилар. Таъкидлаш муҳимки, ушбу шифо масканини ўзига хос дид билан бунёд этган "Бек қурилиш авто" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг астойдил меҳнатлари вилоят ҳокими ҳамда Республика онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзовлар томонидан таҳсинга лойиқ топилиб, уларга миннатдорлик билдирилди.

**(Давоми 8-бетда).**

*Сайлов – 2014*

## МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК

***Мустақилликка эришган ҳар бир халқнинг тараққиёт йўли бор, янги давлат бунёд этиш йўлида ҳар бир миллат ўзига хос тараққиёт йўлини танлайди. 1991 йилда ўз мустақиллигига эришган мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўз мевасини бериб, Ўзбекистон дунё миқёсида катта эътирофларга сазовор бўлмоқда. Ўзига хос истиқлол ва ривожланишнинг "ўзбек модели"ни танлаб олган Ўзбекистон, мана, 23 йилдирки, ушбу тараққиёт йўлидан дадил одим ташламоқда. Бу йўл – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

**(Давоми 2-бетда).**

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

**Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги марказий шифохона "Саломатлик-2-3" лойиҳалари асосида замонавий тарзда жиҳозланган.**



Шифохонада шошилинч тиббий ёрдам, реанимация, жарроҳлик, терапия, юқумли касалликлар, туғруқ ва болалар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Муассаса шифокорлари амалга ошираётган тиббий кўрик, ташхис ва даволаш ишларидан аҳоли мамнун.

**Сурат муаллифи Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА).**

*Обуна – 2015*

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**

Ушбу сонда




## ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

**Юртимизда Инвестиция дастурининг татбиқ этилиши нафақат марказий жойлар, балки юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ўз маҳсулини бериб келаётганлиги албатта қувонарли ҳолдир. Таъкидлаш ўринлики, мазкур дастурни амалга ошириш, режадаги вазифаларни бажариш, айниқса, давлат томонидан ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланиш мазкур лойиҳанинг асосий мақсадларидан бўлиб, қарийб беш йилдирки, бу борадаги фаолиятлар халқимиз саломатлигини сақлашда хизмат қилмоқда.**

3

### *21 декабрь – Сайловлар куни*

# МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мустақиллигимиз қомуси – Бош Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик давлат яратишнинг ҳуқуқий пойдеворига замин яратди. 1992 йилдан буён бу пойдевор юксалиб, қонуний асосда мустаҳкамланмоқда.

Бугун турмушимиз фаровон, фуқаролар онги ва дунёқарашида тафаккур ўзгаришлари кузатилмоқда. Бу эса халқимиз тақдирида Конституциямизнинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини кўрсатади. Бош Қомусимизда давлат ва жамият тузилишининг шакллари, фуқароларнинг ҳуқуқ, бурч ва эркинликлари кўрсатилиб, тинчлигимиз ва осойишталигимиз, фаровон турмушимиз асослари белгилаб берилган.

Ана шундай сиёсий ҳуқуқларимиздан бири Конституциянинг VIII боб, 32-моддасида келтирилган, яъни: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат ишларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".

Мана шу модданинг ўзи ҳам ҳозирда ўтказилаётган туб ислоҳотлар жараёнида халқнинг тўла-тўкис иштирок этишини ифодалаб турибди. Демак, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсон адолатли жамият, фаровон ҳаёт қуришда фаол иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилнинг 21 декабрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар сифат жиҳатидан тамомила янги шароитларда ўтказилмоқда, яъни жамиятни демократик янгилаш жараёнларида мамлакатимиз Олий Қонунчилик органи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли мустаҳкамланди. Вужудга келган сиёсий воқеликнинг ҳисобга олган ҳолда, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 150 нафардан иборат қилиб белгиланган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ҳамда одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш муҳимлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга 15 та ўрин берилди.

Бу йилги сайловларни кўтаринки ва байрамона руҳда ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Профессионал парламентга сайлов, ошкора, очиқ, эркин руҳда ўтказилиши лозим. Қолаверса, бу сайловларда ўзининг сиёсий билими, дунёқарашини, бутун кучғайрати ва шижоатини қонун ижодкорлигига йўналтирган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг муносиб сайловолди кураши барча фуқаролар фаол иштирокида ўтказилади.

Халқ манфаатларини кўзлаш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган сайлов жараёнида барча сайловчилар парламентда уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилувчи, Ватан тараққиёти, жамият равнақини юксалтиришга ўзининг ҳиссасини қўшадиган муносиб номзодларни танлайди ва уларга овоз беради. Бу эса Конституциямизда "Фуқаро – жамият – давлат" ўртасида ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини кўрсатувчи 117-моддасининг қуйидаги сатрларида ўз ифодасини топган: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади..."

**21 декабрь – сайловлар кунига саноқли кунлар қолди. Барча сайлов округ ва участкаларида рўйхатга олинган номзодларнинг муносибларига овоз бериш жараёни яқин. Сиёсий руҳдаги бу кампанияни амалдаги тартиб-қоидалар асосида ўтказишга ҳар биримиз ҳисса қўшайлик.**

**Искандар ХОДЖАНОВ,**
**Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**
**Шоира ҚОДИРОВА,**
**Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси.**

## БУ САЙЛОВ ЭЛИМИЗ УЧУН СИНОВДИР

*Яшнасин, гулласин ҳур, обод ўлкам,*
*Яшасин дунёда инсон шод, хуррам,*
*Имон, эътиқодни қилиб мустаҳкам,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Бу сайлов элимиз учун синовдир,*
*Эзгулик йўлида маёқ, яловдир,*
*Бахтимиз қомуси бунга гаровдир,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Беш бармоқ бирлашса, зўр мушт, куч бўлар,*
*Билаклар тўлишиб, пайлар зич бўлар,*
*Ғанимлар нияти барбод, пуч бўлар,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Узукка кўз каби номзодимиз бор,*
*Эл-юртга юз каби номзодимиз бор,*
*Қалби дарё, қадди шамшодимиз бор*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Соғлом миллат – соғлом келажак эрур,*
*Соғлом юртда асл чечаклар унур,*
*Баркамол авлод-ла эл кучли бўлур,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Қариси бор уйнинг париси бордир,*
*Уларнинг дуоси омадга ёрдир,*
*Дуони олганлар чин бахтиёрдир,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Оламни англамоқ фурсати бугун,*
*Одамни танламоқ фурсати бугун,*
*Жаҳонга бонг урмоқ фурсати бугун,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

*Сарани саракка, пучни пучакка*
*Ажратиб, майдонда яккама-якка,*
*Курашиб мардона, етиб тилакка,*
*Бирдамлик, тинчлик деб овоз берамиз,*
*Ҳамкорлик, дўстлик деб овоз берамиз!*

**Искандар РАҲМОН.**

### *Фахрийлар – фахримиз*

# НУРОНИЙЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

**Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ёши улуғ инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**



Фармонда уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун санаторий-соғломлаштириш соҳасидаги хизматларнинг даражаси ва сифатини ошириш борасидаги вазифалар аниқ кўрсатилган. Келгуси йилдан бошлаб мазкур тоифадаги кексалар ҳар йили бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасасида бепул дам олиб, даволанади.

Тахиатош шаҳридаги "Уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси" кекса авлод вакилларига хизмат кўрсатадиган ана шундай муассасалардан бири.

– Уруш ва меҳнат фронти фахрийларини навбатсиз қабул қилиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, ташхис қўйиш учун масъул ходимлар тайинланган, – дейди санаторий раҳбари Жумагул Алиева. – Сиҳатгоҳимизда асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган фахрийлар соғломлаштирилади. Жорий йилда санаторийда 1 минг 700 дан зиёд киши ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Улар орасида ўттиздан зиёд Иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фронти фахрийси бор.

Бу ерда дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, Нукус шаҳридаги И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи, Бердақ номидаги миллий музейга саёҳатлар уюштирилади. Ҳудуддаги қадимий ёдгорликларни зиёрат қилиш учун ҳам қулай шароит яратилган.

Сиҳатгоҳ кутубхонаси, шахмат-шашка тўгараги доимо дам олувчилар билан гавжум.

– Замонавий тиббий ускуналар ёрдамидаги муолажалардан сўнг киши ўзини қуштдек енгил сезади, – дейди амударёлик уруш ва меҳнат фахрийси, 91 ёшли отахон Ражаббой Эшманов. – Президентимизнинг шу йил октябрдаги фармони биз, кекса авлодга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси сифатида барчамизни мамнун этди.

Серқуёш юртимизда шукроналик билан яшаётган отахон ва онахонларимизнинг қўллари доимо дуога очиқ экан, улар бизнинг бахтимиз, оиламиз файзи. Дарҳақиқат, азиз отажон ва онажонларимизни ардоқлаб уларнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун қарз ва фарздир.

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик истиқлолимиз берган буюк неъматлардан биридир.

**А. ОРТИҚБОЕВ.**
**Сурат муаллифи М. ҲАБИБУЛЛАЕВ.**
**(ЎзА).**

### Ҳурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бериб келаётганлиги қувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рукни остида мутахассислар билан мулоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**




Инвестиция дастури амалда

Сирдарё вилояти

# ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

***Юртимизда Инвестиция дастурининг татбиқ этилиши нафақат марказий жойлар, балки республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам ўз маҳсулини бериб келаётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Барча соҳалар каби тиббиёт тизимида ҳам бу жараён самарали натижалар бериб, изчиллик билан давом эттирилмоқда.***

Таъкидлаш ўринлики, мазкур дастурни амалга ошириш, режадаги вазифаларни бажариш, айниқса, давлат томонидан ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланиш мазкур лойиҳанинг асосий мақсадларидан бўлиб, қарийб беш йилдирки, бу борадаги ислоҳотлар халқимиз саломатлигини сақлашда хизмат қилмоқда. Бинобарин, янгидан бунёд этилаётган замонавий тиббиёт муассасаларининг ташқи ва ички кўринишлари, шунингдек, аҳоли учун зарурий шароитларнинг мавжудлиги, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланиши, бу албатта, ишлар самарадорлигини оширишдаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Республикамиз миқёсидаги тиббиёт муассасаларининг бирин-кетин Инвестиция дастури асосида янгича қиёфага кираётганлиги шифо масканларида ишлар қизғин давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимига қарашли тиббиёт муассасалари янги қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари билан кенг қамраб олинган. 2013-2014 йилларда вилоятнинг Боёвут, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Ховос туман тиббиёт бирлашмалари, Янгиер шаҳар туман тиббиёт бирлашмаси, Гулистон шаҳар акушерлик комплекси, вилоят гўдаклар уйи, вилоят онкология диспансерларида Инвестиция дастури асосида янги қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари муваффақиятли якунланди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар тизимда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширмоқда.

Куни кеча Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли, яъни "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасига киритилган Боёвут, Сайхунобод, Сардоба ва Ховос туман тиббиёт бирлашмаларида Инвестиция дастури ҳамда лойиҳа томонидан тақдим этилган сўнгги русумдаги аппаратуралар ва тиббий асбоб-ускуналарнинг амалиётда фойдаланиш жараёни билан яқиндан танишдик. Юқорида тилга олинган туман тиббиёт бирлашмаларида Инвестиция дастури бўйича 2013-2014 йилларда режалаштирилган ишлар ниҳоясига етказилганлигини кўрдик. Шу билан бирга, "Саломатлик-3" лойиҳаси тақдим этган аппаратлар ҳамда тиббий асбоб-ускуналардан халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш ва тиклашда фойдаланилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Жорий йилда Сардоба туман тиббиёт бирлашмасининг иккинчи ва учинчи қаватларидаги бўлимлар реконструкция қилинган бўлиб, 150 қатновга мўлжалланган қўшимча поликлиника биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган. Тиббиёт муассасасининг болалар, реанимация, диагностика ва лаборатория бўлимларидаги ишлар билан танишиш чоғида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида берилган аппаратуралар ҳамда тиббий асбоб-ускуналарнинг тиббиёт ходимлари томонидан ишлатилиш жараёнларини кузатиб, улар билан суҳбатлашдик.

**Сайёра НОРОВА,**
**Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси диагностика бўлими УТД врачи:**

– Истиқлол шарофати билан тиббиёт тизимига катта эътибор қаратилиб, шифо масканлари структураси тубдан ўзгариб кетди. Соҳада ислоҳотлар асосида босқичма-босқич амалга оширилган ишлар натижасида катта муваффақиятларга эришилди. Айниқса, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида турли касалликларнинг олди олиниб, халқимизнинг ўз саломатлиги ҳамда тиббиёт ходимларига бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Мутахассис сифатида эътироф этмоқчиманки, бугун қайси бир тиббиёт муассасасида бўлманг, у ерда жамоа ходимлари, шунингдек, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратилганлиги соҳадаги ижобий ишларнинг маҳсулидир.

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис, инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ҳамда турмуш фаровонлиги устувор вазифага айланди. Бундай мақсад замирида жамиятимиз тараққиётини белгилаб берувчи инсон саломатлиги ётар экан, ҳукуматимиз томонидан аввалламбор бирламчи тизимга қаратилган эътибор, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эпидемиологик барқарорликни сақлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, кадрлар масаласи бўйича олиб борилган ишлар режасининг навбатма-навбат амалга оширилиши, тизимда ўзига хос мактаб яратиб, жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олишга муяссар бўлди. Шу ўринда айтишим жоизки, 4-5 йил давомида нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг чекка ҳудудларида замонавий шифо масканларининг янгидан бунёд этилиши, реконструкция қилиниши ҳамда янги технологиялар билан таъминланиши, мутахассислар малакасини ошириш йўлидаги самарали ишлар тиббиётимиз равнақ этиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Буларнинг ифодасини ўзим фаолият юритаётган Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси мисолида кўришимиз мумкин. Шифохонамиз 2013-2014 йилларда Инвестиция дастурига киритилиб, бўлимлар мукаммал таъмирланди, шу билан бирга, 150 ўринга мўлжалланган поликлиниканинг қўшимча янги биноси

(Давоми 4-бетда).

Сайхунобод туман кўп тармоқли марказий поликлиниканинг ташқи кўриниши.



Сардоба туман тиббиёт бирлашмасининг ташқи кўриниши.





**Улуғбек САТТОРОВ,**
**Сардоба тумани фуқароси:**

– Туман тиббиёт бирлашмасининг диагностика бўлимига келиб, саломатлигимни текширувдан ўтказиш жараёнида шифокор тавсияси билан УТД аппаратида жигарим ва буйрагимни текшириб кўришди. Тажрибали врач Сайёра Норова нафақат жигарим ёки буйрагим, ҳатто ўт қопим, буқоқ ва ошқозон ости безлари фаолиятини аппарат ёрдамида кўздан кечирди. Ушбу аппарат олдинги русумдаги УТД аппаратидан катта фарқ қилар экан. Унинг монитори катта бўлиб, тана аъзоларини рангли тасвирда аниқ қилиб кўрсатади. Бундан ташқари, тезкор ва тўғри ташхис қўйиши менга маъқул келди. Барча тана аъзоларимни тиббий кўрикдан ўтказгач, ҳеч қандай касаллик асоратлари топилмади. Вилоятимизнинг чекка ҳудуди бўлган Сардоба тумани аҳолиси учун ана шундай замонавий аппаратларни етказиб бераётган давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига чин дилдан раҳмат айтмоқчиман.




# ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 3-бетда).

ишга туширилди. 2015 йилда Инвестиция дастури бўйича 20 ўринли юқумли касалликлар, патанатомия корпуси қурилиши, ошхона, кир ювиш хонаси реконструкция қилиниши режалаштирилмоқда. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги барча бўлимларнинг оптимизация қилинаётганлиги ҳам халқимиз учун энг катта қулайликлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, бирлашмамиздаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг мавсумий даражада олиб борилаётганлиги даволанувчилар ва фуқаролар қалбига янада кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамкорлигидаги фаолиятлар тиббиёт муассасаларидаги ишлар сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида "Саломатлик-3" лойиҳасига киритилган (республика миқёсида танлаб олинган) туман тиббиёт бирлашмалари бўлимлари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларига лойиҳа томонидан тақдим этилган энг сўнгги русумдаги ноёб рақамли рентген, 2 ва 3 датчикли УТД аппаратлари ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги, бу албатта, ишларимиз самарадорлигини ошириш билан бирга, беморларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда даво муолажаларини ўтказишда қўл келмоқда.

18 йилдан буён бирлашмамизнинг диагностика бўлимида УТД врачи бўлиб ишлаб келмоқдаман. 2014 йилнинг апрель ойида "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида бўлимимизга 1 дона 3 датчикли ва рангли рақамли стационар диагностик система "Mirror2" номли УТД аппарати келтирилди. Шу кунга қадар стационар шароитида даволанаётган беморлар ва мурожаат этиб келаётган фуқаролар саломатлигини мазкур аппарат ёрдамида текширувдан ўтказаяпман. Ушбу аппарат 3, яъни трансвагинал, чизиқли ҳамда конвекс датчиклардан иборат бўлиб, унда буқоқ, кўкрак бези, ҳомиладорлик, қорин бўшлиғидаги травмалар, плевра суюқлиги, жигар, ўт қопи, буйрак, ошқозон ости бези каби аъзолар текширилади. Шунингдек, унинг монитор ҳажми катта бўлиб, тасвирларни рангли тарзда кўрамиз ва у ўз хотирасида ташхис натижаларини сақлаб қолиш имкониятига эга. Бундай кенг имкониятлардан нафақат биз, балки аҳолининг кенг қатлами миннатдор бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан мутахассислар малакаси оширилаётганлиги ҳам ушбу ноёб аппаратларда мукаммал ишлай олишимиз ҳамда беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фикрларимга хулоса қиладиган бўлсам, аввало, тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган давлатимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун ўз устимизда ишлашимиз ҳамда давр талаб этганидек, касал бўлмай туриб, касалликнинг олдини олишда астойдил меҳнат қилишимиз зарур.

**Шаҳноза КЎШБАҚОВА,**
**уй бекаси:**

– Фарзандим Элёр қаттиқ шамоллаб қолди. Шифокорлар кўригидан ўтгач, уларнинг тавсияси билан туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги болалар бўлимига даволаниш учун келдик. Бу ердаги шароитларни кўриб, фарзандларимиз саломатлиги учун ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга ташаккуримни билдираман. Телевидение орқали саломатликка оид бериб борилаётган кўрсатувларда ҳам болаларимиз соғлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар, замонавий шифохоналар ҳамда билимдон шифокору ҳамширалар меҳнати таҳсинга лойиқ эканлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бўлимдаги тиббиёт ходимларининг муомала маданияти, бой тажрибаси болаларимиз тезда соғайиб кетишида катта ёрдам бермоқда. Яна шуни айтмоқчи эдимки, шифохонадаги тозалик, саранжомлик, ҳовлидаги табиат манзараси қалбларга янада кўтаринки кайфият бағишлайди. Барча оналар номидан жамоа ходимларига ҳам самимий миннатдорлигимни билдириб, уларга мустаҳкам соғлик тилаб қоламан.










**Арслонкул ДЎСТМИРЗАЕВ,**
**Сардоба тумани фуқароси:**

– Кўп йиллардан буён юрак ишемик касаллиги, яъни гипертония хасталиги билан оғриб келаман. Касалликнинг олдини олиш учун йилда икки марта Сардоба туман тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлимида даволаниб чиқаман. Ўтган йилларга қараганда шифо масканидаги шароитлар тубдан ўзгарди. Бўлимларда замонавий аппаратлар, қайта таъмирлаш ишлари, тиббиёт ходимларининг малака оширишлари беморлар даво топиб кетишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Палаталардаги озодалик, саранжомлик, бири-биридан чаққон ҳамшираларнинг меҳрибонлиги, даволовчи врачларнинг билимдонлиги ҳар бир беморга руҳий мадад бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан тақдим этилган замонавий ЭКГ ва кардиомонитор аппаратларида юрагимдаги ўзгаришларни аниқлаб, даво муолажаларини ўтказган бўлим ходимларидан чексиз миннатдорман.

**Нодира САДИРОВА,**
**Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими педиатри:**

– 1994 йилда мутахассислигим бўйича фаолиятимни бирламчи бўғиндан бошладим. 15 йил давомида мазкур йўналишда аҳоли билан чуқур ишлаб, болаларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда тажрибамни оширдим. Албатта, янги туғилган чақалоқ то ўсмир ёшига етгунча педиатрларнинг ўзига хос хизмати бор. Шу жараёнда болаларда кечадиган касалликлар, унинг келиб чиқиш сабаблари, даво муолажалари мутахассисдан катта масъулият талаб қилади. Эндигина ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан ривожланиши, соғлом вояга етиши биз педиатрларнинг доимий назоратига боғлиқ. Бунинг учун педиатрия йўналишидаги мутахассислар ҳам ўз устларида ишлаб, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлишлари зарур. 2009 йилдан буён Сардоба туман тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимида ишлаб келаяпман. Инвестиция дастурига киритилган шифо масканимиз 2013-14 йилларда мукаммал таъмирдан чиқарилиб, шу жумладан, болалар бўлими ҳам қайта реконструкция қилинди. Даволанувчи болалар учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Шунингдек, алоҳида ўйин хоналари, айниқса, хона деворларига чизилган мультфильм қаҳрамонларининг расмлари ҳеч қайси болани бефарқ қолдирмайди. Бундан ташқари, оналар ва болалар учун телевизорнинг мавжудлиги уларни кунлик кўрсатувлардан баҳраманд этиб туради. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан фарзандларимиз саломатлиги йўлида қилинаётган ишлар бугунга келиб, ўзининг маҳсулини бераётганлиги барчамизга аён. Бугунги кунда республикамизнинг ҳамма вилоятларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ташкил этилганлиги юқоридаги фикрларимнинг ёрқин далилидир. Жорий йилимизнинг Соғлом бола йили деб аталиши ҳам бежиз эмас. Чунки ушбу йилда Давлат дастури бўйича болаларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасида самарали меҳнат қилинди. Айниқса, 2014 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон педиатрларининг VII съездида халқаро экспертларнинг иштироки ҳамда уларнинг Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаларида бўлиб, мутахассислар иши билан танишиш чоғида ва маҳаллий мутахассислар билан операция жараёнларида иштирок этишлари, мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги ишларнинг қамрови ниҳоятда кенглиги, бунинг баробарида замонавий аппаратуралар асосида мураккаб операцияларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигига юқори баҳо беришди. Демак, бу каби ютуқларнинг барчаси келажак авлод – болажонлар саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг дебочаси дейиш мумкин. Бўлимимизда даволанаётган болалар ва оналар учун барча шароитлар яратилганлиги уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишида муҳим ўрин тутмоқда. “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан бўлимимизга берилган кардиомонитор аппарати ёрдамида аҳволи оғирлашган болалар текширувдан ўтказилиб, назорат қилинади. Аппаратнинг афзаллиги шундаки, бемор безовта бўлмасдан, унинг юрак уриши, тана ҳарорати ҳамда ички аъзоларидаги ўзгаришларни яққол кўрсатиб беради. Бундан ташқари, бизга бир қанча тиббий асбоб-ускуналар берилган. Улардан

(Давоми 5-бетда).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

# ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА




оқилона фойдаланиб, болалар саломатлигини тиклашга ҳаракат қилмоқдамиз. Хулоса қилиб айтганда, тиббиёт ходимлари меҳнатини енгиллаштирувчи замонавий аппаратураларнинг келтирилаётганлиги барчамизни касбимизга сидқидилдан ёндошиб, астойдил ишлашга ундайди. Шундай экан, бу борада мен ҳам барча касбдошларим қатори ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом вояга етказишда фаол меҳнат қилишни шифокорлик бурчим, деб биламан.

**Муртоз АЛИҚУЛОВ, Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими кардиологи:**

– Бирлашмамизга “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан 3 та портатив ЭКГ аппарати берилди. Бу аппарат стационарда ётиб даволанувчи ҳамда саломатлигини текширувдан ўтказишга келаётган барча фуқаролар учун энг қулай ва ихчам аппаратдир. Стационарда ётган оғир беморлар учун жойида текшириш имконияти мавжуд. Шунингдек, шифохонага келолмайдиган кексалар, ногиронлар, ижтимоий аҳволи оғир бўлган фуқароларнинг хонадонларига бориб, ЭКГ аппарати ёрдамида юрак фаолиятини текширувдан ўтказамиз. Сўнгги йилларда давлатимиз ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шифо масканларимизга кўрсатилаётган ёрдам, тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган эътибор туфайли тиббий хизмат сифати ошаётганлигидан халқимиз мамнун бўлмоқда. Бундан ташқари, Инвестиция дастури бўйича тиббиёт бирлашмалари ҳудудида барча бўлимларнинг оптимизация қилинганлиги ҳам аҳолининг узоғини яқин қилиб, ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмаяпти. Бундан ташқари, оилавий иқтисод тежаляпти. Буларнинг барчаси инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Юқорида тилга олиб ўтилган ЭКГ аппаратларидан унумли фойдаланиб, уларни кўз қорачиғимиздай асрасак, узоқ йиллар давомида элга хизмат қилади.

**Шаҳноза ТИНЧЛИКОВА, Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси лаборатория бўлими лаборанти:**

– Уч йилдан буён туман тиббиёт бирлашмасининг лаборатория бўлимида лаборант бўлиб фаолият юритиб, барча устозларимдан касбимнинг сир-синоатларини ўрганмоқдаман. Лекин, ушбу йўналишда ишлаш ўзига яраша машаққатли эканлигини англадим. Чунки, лаборатория таҳлили беморга тўғри ташхис қўйишда асосий ўрин тутади. Бўлимимизга “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан янги русумдаги Гематокрит центрифугаси тақдим этилди. Айни кунда ушбу лаборатория аппаратида ишлаб, биохимик анализлар, яъни қон таҳлилларининг шаклли элементларини аниқлаб келмоқдамиз. Бундан ташқари, лойиҳа томонидан бўлимимизга 1 дона замонавий совутгич/музлаткич (қон, плазма ва реактивлар учун), термосумкалар берилди. Булардан ҳам ўз ўрнида фойдаланиб келмоқдамиз. Дарҳақиқат, ишларимиз самарали бўлиши учун билим ва малакамизни вақтида ошириб боришимиз зарур.



*Сайхунобод тумани*

# БАРЧАСИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН

**Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмасида ҳам Инвестиция дастури бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси янгидан бунёд этилди, 40 ўринли туғруқ бўлими ҳамда 80 ўринли даволаш бинолари реконструкция қилинди. “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 14 августда тасдиқланган 1-сонли тақсимоти асосида ҳозирги вақтгача 19 турдаги аппаратдан 17 таси келтирилди. Жумладан, 2 ва 3 датчикли УТД аппаратлари, 22 та бикс, 1- ва 2-типдаги совутгичлар, қон, плазма ва реактивлар учун совутгич/музлаткич ва термосумкалар, рақамли рентген аппаратлари (дигитайзерлар), лаборатория центрифугаси, гематокрит центрифугаси, пульсоксиметр, гастрофиброскопия ва унинг жамламаси, термографик плёнка жамламаси, автоклав каби бир қанча тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилган. Ҳозирги кунда ушбу аппаратлардан аҳоли саломатлиги йўлида фойдаланилмоқда.**



**Баҳриддин ХУДОЙНАЗАРОВ, Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири:**

– Ҳадемай жорий йилимиз тиббиёт бирлашмасининг 40 ўринли туғруқ ва даволаш бўлимлари реконструкция қилиниб, янгича қиёфа кашф этди. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси эса янгидан бунёд этилришда катта роль ўйнамоқда. Шундай экан, катта маблағ эвазига келаётган бундай тиббий аппаратура ва асбоб-ускуналарни асрашимиз, меъёр даражасида ишлатишимиз муҳим.









